Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 11 март, шанба • № 20 (10.696) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 9 март куни Чехия Республикаси ташқи ишлар вазири Йозеф Желенецни қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Чехия Республикаси ўртасидаги муносабатлар ривожланиш босқичига кирганини мамнуният билан таъкидлар экан, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кенгайиши халқларимизнинг азалий дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашини таъкидлади.

Чехия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Ташриф чоғида Ўзбекистон заминида ўтган музокаралар, учрашувлар ғоят самарали бўлганини айтди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Учрашувда Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Р. Слански ҳозир бўлди.

Шу куни Чехия Республикаси ташқи ишлар вазири Й. Желенец Ўзбекистон Ташқи ишлар ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликларига ҳам ташриф буюрди.

***

9 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг Тошкентдаги элчихонаси миссияси раҳбарининг ўринбосари Шерон Уайтни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонга Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар, жумладан, мамлакатимизнинг янги парламенти — Олий Мажлиснинг биринчи сессияси натижалари ҳақида сўзлаб берди.

Шерон Уайт хоним самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этди. У Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларга АҚШ маъмурияти алоҳида қизиқиш билан қараётганини айтди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Кеча Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди

ЙИҒИЛИШДА Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва вилоят Кенгаши депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ҳокимлигининг бўлим, бошқармалари бошлиқлари, йирик корхона, ташкилот ва хўжалик раҳбарлари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан, маданият ходимлари иштирок этдилар.

Вилоят фаолларининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболларининг асосий тамойиллари тўғрисида» Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган нутқидан ҳамда республика Олий Мажлисининг Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Бу ҳақда вилоят ҳокими Э.М.Рўзиев маъруза қилди.

Нотиқ республика Президентининг Олий Мажлис сессиясидаги маърузасида ёш мустақил республикамизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларда шу кунгача бажарилган ишлар, истиқболдаги улкан вазифалар йўналишлари аниқ, равшан баён этилганлигини таъкидлар экан, бу борада вилоятда амалга оширилган тадбирларга ҳам тўхталди. Вилоят ҳокими айни пайтда шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаётганлигини қайд этди. Хусусан, саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ таълими, маданият тизимларида йўл қўйилаётган камчиликларни тезроқ бартараф этиш, ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига тўхталиб, юртбошимизнинг сессиядаги нутқларида қайд этилган вазифаларни изчил амалга ошириш кераклигига эътиборни қаратди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўртачирчиқ туманидаги Ўртасарой жамоа хўжалиги раиси М.Холикова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директори В.Н.Сигедин, Янгийўл шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Й.Рихсибоев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати,«Ўзбекгеофизика», ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Т.Бобожонов, халқ депутатлари вилоят кенгашининг депутати, Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» ширкатлар уюшмаси раиси У.Мирзақулов, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутати, Юқоричирчиқ тумани ҳокими М.Қалқулов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Олий Мажлис матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Хошимов маъруза ва кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Фаоллар йиғилиши қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг республикамиз Президенти ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш юзасидан умумхалқ референдуми ўтказиш ҳақидаги қарорини тўла қўллаб-қувватладилар. Вилоят меҳнаткашлари, барча фуқароларига қарата 26 март куни бўлиб ўтадиган умумхалқ референдумида фаол иштирок этиш юзасидан Мурожаатнома қабул қилдилар.

Фаоллар йиғилишида республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Т.А.Алимов сўзга чиқди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.М.Ғуломова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Р.Юнусов қатнашдилар.

(Вилоят фаолларининг йиғилиши тўғрисидаги тўлиқ ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида берилади).

ДЕҲҚОН ДАЛАГА ЧИҚДИ

ЙИЛ ва фасллар табиатан ўз ташбеҳ, ўз қонуниятларига эга. Айниқса, фасллар келинчаги — баҳор ҳақида кўпдан-кўп афсона ва ривоятлар тўқилган. Қадим-қадимдан зийнат топган бундай пурҳикмат ҳикоятлар, доно нақллар бизнинг замонимизгача етиб келгани ажабланарли эмас.

Доноларимиз «Яхши келса — ҳут, ёмон келса — ют», «Эрта қилсанг ҳаракат — хирмонингга баракат», «Ер кўкармаса — эл кўкармас», «Эрта эксанг, эрта ўрасан» дейдилар. Бу гаплар нима дегани? Бу, авваламбор, баҳорнинг ҳамма вақт ҳам яхши бошланавермаслигига ишорадир. Биз ҳозир ўша таҳминлар ҳақида тасбеҳ ўгириб ўтирмоқчи эмасмиз. Биз бугун дала юмушларимизнинг бориши, эзгу умидларимизнинг парвозига қараб, тўн бичганимиз маъқул.

Ер, зироатлар ҳакими — доно бободеҳқоннинг «Темирни айни қизиғида бос» деган гапи жуда маъқул гап. Бу удумга риоя қилиб, эрта бурундан далага кўчиб чиқадиган миришкорнинг мушоҳадаси тўғри. Уларнинг яхши одати бор. Деҳқонлар баҳор келиб, эшигини тақиллатгунча кутиб ўтиришмайди. Аксинча, ўзлари баҳорни далага бошлаб келишади. Пленкалар остида баҳор нафасидан гуркираб, яшнаб турган сабзавот ва резаворлар баайни уларнинг ҳаракати, уларнинг меҳнати мевасидир. Ёқимли тароват таратган бундай далалар соҳибларининг сеҳру заковатига, илму кароматига, қалб саҳоватига тасаннолар айтинг келади.

Шаҳарлик биродарлари дастурхонини, ризқ-насибасини ўйлаб эгат олган, кўчат эккан деҳқонлар, тадбиркор мулкдорлар атроф қишлоқларда оз эмас. Келинг, яхшиси уларнинг бугунги саъй-ҳаракатлари, хайрли ишлари ҳисобини чўтлаб кўрайлик.

Баҳорни ҳамма вақт эрта қаршилайдиган, кўп йиллик тажрибага таянган Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманларининг миришкор деҳқонлари улоқда яна олдинда. Бу туманларда эртаги сабзавотлар ва картошка экиш ишлари уюшқоқлик билан бошлаб юборилган. Февраль ойи охиригача Қибрай туманида 216 гектардан зиёдроқ майдонга эртаги сабзавот ва 30 гектар ерга картошка экилди. Тошкент туманида эртаги сабзавот экилган майдонлар 441 гектарни, картошка майдонлари 25 гектарни ташкил этади. Зангиота туманида эса, 129 гектарга сабзавот, 9 гектарга картошка қадалди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, мазкур туманларнинг деҳқонлари Президентимизнинг вилоят Кенгашидаги нутқида баён қилинган жиддий танқиддан тўғри хулоса чиқарган, ислоҳотлар тамойилига қатъий амал қилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Бундай меҳнатнинг кўнгилдагидек самара бериши шубҳасиз.

Байрамлар, яшнаш ва яшариш ойи — март бошланиб, баҳор эшик қоқаётганига қарамай Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ, Бўка ва Бекобод туманлари сабзавоткорларининг «ноз уйқудан уйғонишлари» қийин бўлмоқда. Бу туманларда шу кунгача бирон гектар ерга сабзавот экилгани йўқ. Боз устига бу туманларда кўчат етиштириш ишлари ҳам яхши эмас. Буёғи нима бўлди? Бу аҳволда кўчатхоналарга қачон уруғ сепилади-ю, қачон кўчат етишади, қолаверса, у қачон далага олиб чиқиб экилади?

Ҳар бир туманга аниқ топшириқлар берилган. Уларни бажариш ҳам қарз, ҳам фарз. Бу борада ҳеч қандай баҳонага ўрин бўлмаслиги керак. Ҳозирги талаб, масъулият бошқача, шунга монанд қадам ташламаган одам қаттиқ панд ейди.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

БАҲОРИНҒИЗ МУБОРАК

Қучоғимга сиғмай кетаётир қувончим,
Юзларимни ёндирар кўзимдаги шабнамлар.
Кулаётган куртаклар, гуллаётган ишончим,
Баҳорингиз муборак бўлсин азиз одамлар!

Офтобнинг ардоғидан жоним жимирлаб кетар,
Кўрдим булбул бўзида ғунчага қалбин тутар.
Уйғонинг тонглар сизни баҳорий бахтлар кутар,
Баҳорингиз муборак бўлсин азиз одамлар!

Қаҳратоннинг қаҳрини бойчечак ёриб келди,
Турналар қанотида қадрлар олиб келди.
Кўз очиб кўрганингиз муҳаббат ғолиб келди,
Баҳорингиз муборак бўлсин азиз одамлар!

Куйса ёр куйганча бор, суйса ёр суйганча бор,
Ялпизлар ёлворишиб ёрга бўлгайдир тумор.
Мажнунтол кокил ёйиб, сувга сўйлайди алёр,
Баҳорингиз муборак бўлсин азиз одамлар!

Момо ер энтикади меҳнатнинг жарангидан,
Кўзлар гулга айланмиш баҳорнинг минг рангидан.
Яратганга ишқ туйдим оламнинг оҳангидан,
Баҳорингиз муборак бўлсин азиз одамлар!

Маҳмуд ТОҲИРОВ.

Наврўз МАРАДДУДИ

КАТТА ШОДИЁНАГА АЙЛАНАДИ

ҲАР ҚАЧОНГИДЕК баҳор ва гўзаллик байрами — Наврўзга тайёргарликни юқоричирчиқликлар ҳам анча илгариданоқ бошлаб юборишган эди. Бу тантанани уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида тузилган ташкилий қўмита аъзолари аниқ дастур асосида иш олиб бормоқдалар. Бу режаларга мувофиқ байрамнинг моҳияти ва мазмунини ифодаловчи томоша матни тайёрланиб, ижрочилар шу кунларда тиғиз шуғулланмоқдалар. Барча жамоа хўжаликлари, мактаблар бадиий дасталарида ҳам Наврўз учун махсус театрлаштирилган кўрсатувлар, концертлар дастури ҳозирланди.

Байрам олдидан тумандаги иш жойлари, аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудлар, кўчалар ва хиёбонлар, сайлгоҳлар, айём ўтказиладиган бош майдон, истироҳат боғи ва бошқа масканларда шанбалик уюштирилиб, улар ораста ҳолга келтирилди. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар оқсоқоллари байрам дастурхони тараддудини кўриб қўйдилар. Туман марказидаги бош майдонда аҳолига дошқозонларда катта ош дамлаш учун малакали ошпазлар тайинланди.

Айёмгача мактаблар, мактабгача тарбия муассасаларида уруш ва меҳнат фахрийлари, ёзувчилар, шоирлар, ижодкорлар билан учрашувлар ўтказиш, спорт мусобақалари ташкил этиш, кўрик-танловлар тадбирлари ҳам ўтказилади.

Маълумки Юқоричирчиқ тумани аҳолиси кўп миллатли. Бу ерда яшаётган барча миллат вакиллари умумхалқ айёмига айланиб кетган Наврўзни ўз байрамлари деб биладилар. Шу боис бу тантаналарга қозоқ, корейс, рус, татар ва бошқа миллатлар бадиий дасталари ҳам муносиб совғалар тайёрлашмоқда. Шодиёна кунларида ўлан айтувчилар «Айтисув»ларда фаол иштирок этадилар. Совринлар учун беллашадилар.

— Бу тадбирлар орасида энг муҳими ота-боболаримиздан қолган меҳр, мурувват, саҳоват каби буюк фазилатлар яққолроқ юзага чиқади, — деди биз билан мулоқотда туман ҳокими, Наврўз байрамини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси М. Қалқулов, — барча жамоа хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар ўз ҳудудларидаги кам таъминланган оилаларни йўқлайдилар, ёлғиз қариялар, етим-есирлар, ногиронлар, беморларга ҳам моддий ёрдам кўрсатиладилар. Туман маҳалла ҳайрия жамғармаси йўли билан ҳам ночор оилаларга байрам совғалари берилади.

Наврўз — янги кун, ёшариш, умр босқичимизда покиза, мусаффо, яна бир янги довоннинг бошланиши ҳамдир. Бу айёмда инсон шодлиги ноз уйқудан уйғонаётган она табиат гўзаллиги ила уйғунлашиб ҳаётимизга ўзгача файз бахш этади. Шунинг учун ҳам юқоричирчиқликлар кўчат экиш ҳафталиги ўтказишни Наврўз тадбирига киритдилар. Бу ишларга фахрийлар бош-қош бўладилар Урушда ҳалок бўлганлар ёдгорлиги атрофидаги ерларга ҳам ниҳоллар ўтказилади. Бу жойлар ободонлаштирилади.

Наврўз куни савдо, умумий овқатланиш ташкилотлари ходимлари ҳам аҳоли хизматида бўладилар. Барча тантаналар ҳар бир инсон қалбига ўзаро меҳр ва оқибат, ҳурмат, баҳорий кайфият бағишлаши учун нимаики зарур бўлса у амалга оширилади.

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН

Тошкент вилоятида кўкламги ишлар уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Қибрай туманининг Туроб Нормуҳаммад номидаги жамоа хўжалигига қарашли Маҳмуджон Норалиев етакчилик қилаётган кўчатхона жамоасининг қўли-қўлига тегмайди. Бу ерда уч миллион дона эртанги карам, шунча миқдордаги помидор кўчати парваришланмоқда. Сабзавоткорлар кун-нинг илиқ келаётганидан фойдаланиб, ўн гектар ерга картошка уруғи қадаб қўйишди, 30 гектар майдондаги пиёз эса дастлабки ўтоқдан чиқарилди.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

РАҚСЛАР ТАРОНАСИ

Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» рақс ансамбли ижодкорлари баҳор байрамига атаб янги дастур тайёрлади.

— Наврўз яратувчанлик, ёшлик ва гўзаллик, айни пайтда меҳр-мурувват байрами, — дейди жамоанинг бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева. — Янги дастуримизда ана шу мавзу тараннум этилади. Айниқса, «Ялла айтайин», «Тиллақош» каби оммавий, «Илтижо», «Муҳаббат», «Дилобар» сингари якка рақсларда ватан мадҳи, табиат нафосати, баҳор кўркамлиги, севги ва садоқат тажассум топган.

Б. МАНСУРОВ.



БАҲОР табиатнинг уйғониш фасли. У яшнаб-яшарган дала-боғлар, кўм-кўк ҳарир либос кийган қир-адирлар жамолида ўз аксини топади. Шу боис гуллар чаппар уриб чирой очган бу даврни халқимиз «Наврўзи ажам» деб номлаган. Сиз кўриб турган бу сурат-лавҳаларда ана шу безавол гўзалликнинг баъзи нуқраларигина акс этган, холос.

Даврон АҲМАД олган сурат-лавҳалар.



26 МАРТ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ВАКОЛАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ОҚИЛОНА ОМИЛ

Республикамиз Олий Мажлисининг умумхалқ референдумини ўтказиш тўғрисидаги қарори турли соҳа кишиларининг дилида мазкур ҳужжатдан қаноатланиш, мамнунлик туйғусини уйғотди. Улар бу қарорнинг давр тақазосига кўра ўз вақтида қабул қилинганлигини эътироф этмоқдалар. Умумхалқ референдуми тўғрисида фикр-мулоҳазаларини баён қилмоқдалар.

А. ЎТЕГЕНОВ,
Юқоричирчиқ туман меҳнат биржаси раҳбари

Менинг фикримча, умумхалқ референдумининг ўтказилиши — бу давр тақозоси. Кейинги уч йил ичида республикада амалга оширилган ишларга разм солайлик. Халқаро майдонда Ўзбекистон мавқеи мустаҳкамланди, иқтисодий ислоҳотлар жадаллашиб бораётган, тадбиркорликка, ишбилармонликка кенг йўл очилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги тадбирларни самараси баракали бўлди.

Бир оғиз билан айтганда республика миқёсида халқимизнинг фаровонлигини кўзлаган яхши ишлар бошланди. Уларнинг анчагинасига ислоҳотларнинг биринчи босқичида эришилди. Президентимизнинг яқинда бўлиб ўтган республика Олий Мажлисидаги маърузасида эса иккинчи босқичда амалга ошириладиган тараққиёт йўналишлари бўйича улкан вазифалар белгилаб берилди.

Албатта, бу вазифаларни амалга ошириш уларни чуқур ҳис эта билган, бозор шарт-шароитларини яхши англаган, билимдон ва истеъдодли киши қўлидангина келишини давр кўрсатиб турибди. Бу жараённинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, белгиланган режаларни умумхалқ ташаббусига таянган ҳолда рўёбга чиқариш зарур бўлади. Ана шуларнинг ўзиёқ 26 мартда Президент ваколатларини 2000 йилгача узайтириш бўйича умумхалқ референдуми ўтказишнинг мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатиб турибди.

Баҳодир СОБИРЖОНОВ,
Тошкент абразив заводининг ишчиси

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ваколатларини 2000 йилгача узайтириш ташаббуси билан чиққан республика Парламенти қарорини маъқуллашда барча ишчи, мутахассис раҳбарлар қатори мен ҳам қўл кўтардим. Ўзбекистон йилдан-йилга ўзгариб бораётганлигини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Илгарилари «мулкнинг эгаси бўл», «ҳоҳласанг фермер бўл», «истасанг дўконни сотиб ол» деган гаплар йўқ эди. Бой одам халқ кўзига ёмон қилиб кўрсатиларди. Эндиликда инсонга эркинлик яратиб берилди. Бу биринчидан.

Иккинчидан, юртимизда тинчлик, хотиржамликнинг сақланиб туришининг ўзиёқ элимизнинг бахти. Уруш нималарга олиб келаётганини Чеченистон воқеалари, Тожикистон фожиалари кўрсатди қўйди.

Минг шукрлар бўлсинки, ҳукуматимиз раҳбарлари саъйи-ҳаракати билан тинчлик сақланиб турилган азиз юртимизда яшаяпмиз. Хўш, биз бундай турмушни таъминлаганларнинг қадрига етишимиз керакми? Керак. Шунинг учун ҳам матбуотда Президент ваколатларини 2000 йилгача узайтириш тўғрисида шу йил 26 мартда умумхалқ референдуми ўтказилиши ҳақидаги ахборотни ўқиган кунимоқ жуда тўғри иш бўлипти, деб кўнглимдан ўтказганман. Мустақил мамлакатимиз равнақи учун бу ўта зарур тадбир.

НАЗАРМАТ,
жангчи шоир

МАРКАЗИЙ Осиё минтақасида пенсионерларга мунтазам ғамхўрлик кўрсатаётган бизнинг Ўзбекистонимиздек юрт бўлмаса керак. Раҳмат. Бу миннатдорчилик биргина менинг дил сўзим эмас. Минглаб кексалар, уруш қатнашчилари, ногиронлар, бир кунда ўн марталаб бу туйғуларини изҳор қиладилар. Мачитларда дуолар бағишлайдилар.

Гапни пенсиядан бошлаганим учун «берган худога ёқибди» деб ўйлагувчилар бўлмасин. Инсонга ғамхўрлик бор жойда барака бўлади, иш ривож топаверади. У даргоҳга бошқалар ҳам яхши ният билан назар ташлайди. Бундай мамлакатга Оллоҳ мададкор бўлади.

Ўзбекистонни жаҳон танигани, юртимизга одамлар ҳавас қилаётгани, мамлакатнинг мустақил ва дадил қад ростлаётгани, бу ўзи ахир бир саодат-ку. Эрта-индин иқтисодий тангликлардан ҳоли бўлиб нурли кунлар келиши тайин. Республикамизнинг келажаги порлоқ. Чунки у истиқлол дамларининг дастлабки пайтлариданоқ ўз йўлини топиб олиб, қадамба-қадам ривожланиб бормоқда. Ҳуқуқий эркин давлат қуришдек ёрқин мақсад билан яшамоқда. Бир пенсионер сифатида менинг кўнглим чоғ, бошим осмонда. Республика Олий Мажлисининг сессиясида Президент маънавият соҳасида гапириб, дилдан айтган мана бу сўзларига эътибор қилинг-а: «Мен жонини халқ бахт-саодати йўлига тиккан фидойи ижодкорларни руҳлантиришга, чинакам истеъдод эгаларини авайлаб-асраш, рағбатлантиришга даъват этаман».

Бу сўзларнинг айниқса кекса ижодкорлар қалбига қанчалик шуур, ижодига қанот бағишлаганини фақат ёши улуғларгина тушунишади. Сўзимни якунлаб шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистон мустақилликнинг энг одил, энг тўғри, келажаги нурли йўлидан кетяпти. Бу, албатта, оқилона сиёсат самарасидир. Шундай экан, ана шу сиёсатга содиқ ҳолда Президент ваколатини 2000 йилгача узайтириш бўйича умумхалқ референдуми ўтказиш тарафдориман.

ЯҚДИЛ ОВОЗ БЕРАДИЛАР

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоасининг бўлиб ўтган умумий йиғилишида Олий Мажлис биринчи сессиясининг Республика Президенти ваколатларини 2000 йилгача узайтириш масаласи юзасидан умумхалқ референдумини ўтказиш тўғрисидаги қарори яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

— Республикамизнинг экологик хизмати, — деди йиғилишда сўзга чиққан вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Т. Эргашев, — бундан беш йил муқаддам барпо этилган эди. Биз, ҳаммамиз, шахсан республика Президенти И. А. Каримовнинг эътибори туфайли мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш масаласига катта аҳамият билан қараладиган бўлиб қолинганлигини кўриб турибмиз. Чунки, ҳозирги ва келажак авлодларимизнинг саломатлиги кўп жиҳатдан экологик аҳволнинг софлигига боғлиқ. Шу туфайли ҳам сўнгги йилларда бу соҳа бўйича қатор ҳужжатлар, шу жумладан, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида Қонун қабул қилинди. Ўртбошимиз атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини МДҲ мамлакатлари, жаҳон иқтисодий ҳамкорлиги каби нуфузли ташкилотларнинг кенгашларида ҳам олдинга сурмоқда. Ҳақиқатан ҳам экологик муаммолар ҳудудий бўлмасдан, умуминсоний муаммо бўлиб қолди.

Бизнинг жамоамиз Президент ваколатларини 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги қарорни тўла қўллаб-қувватламоқда. Республикамизда миллатлараро тотувлик ва ҳамкорликнинг ҳукм суриши атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган барча тадбирларни амалга оширишга ҳам ёрдам беради.

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик экспертиза бўлими бошлиғининг ўринбосари, бош мутахассис А. Абдураимов, атроф-муҳит ҳавосини муҳофаза қилиш махсус нозирлиги бошлиғи Н. Хаустова, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўринбосари И. Қульбацкий ҳам Олий Мажлиснинг референдум ўтказиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватладилар ва ўз ҳамкасбларини шу куни умумхалқ сўровида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари референдумда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ваколатларини 2000 йилгача узайтириш учун яқдиллик билан овоз беражакларини айтдилар.

Ч. ПЕРЕПЕЛИЦИНА.

ДАЪВАТ ҚИЛАМАН

МЕН Олий Мажлис сессияси ишини кузатиб, юртбошимиз маърузасини диққат билан эшитиб, рости, жуда тўлқинландим. Янги Олий Мажлис эртанги кунимиз тақдирини ўйлаб Президентимиз ваколатини 2000 йилгача узайтириш юзасидан 26 март куни умумхалқ референдумини ўтказиш ҳақида жуда тўғри қарор қабул қилди. Мен бу қарорнинг аҳамиятини жуда яхши тушуниб турибман. Ахир эндигина мустақилликка эришиб, ҳаётимизни тубдан қайта қураётганимизда, туриш-турмушимизда осойишталик ҳукм суриб, келажакка ишончиймонимиз комил бўлиб турганда Президентимиз ваколатини узайтириш энг мақбул йўлдир. Мен Президентимизни мамлакатимиз ҳаётида, унинг тақдири йўлида бошланган улуғвор ишлар, ўзгаришлар, ҳайрли ташаббусларнинг бош соҳиби, деб биламан ва у олиб бораётган доно сиёсатни қизғин маъқуллайман.

Тадбиркорлик ёш ғанламас экан. Ҳозир ёшим саксонга борган бўлса ҳам ҳали куч-ғайратдан қолган эмасман, суягим меҳнатда қотган. Пахтачилик бригадасига бош-қошман.

Мен деҳқонларга эрк ва бахт — иқбол ато этган ҳур замонамиз, унинг раҳнамоси — юртбошимиз ваколатининг узайтирилиши учун яқдиллик билан овоз бераман ва бутун жамоамизни шунга даъват қиламан.

Бектура ота ЖУМАЕВ,
«Оққурғон» ширкатлар бирлашмасининг бригада бошлиғи.

ВАЗИЯТ НАЗОРАТ ОСТИДА

Тошкент вилояти ҳокимлиги фавқулодда вазиятлар бўйича комиссиясининг мажлисидан

ПОЙТАХТ вилоятида сўнгги йилларда тошқинлар, сел оқимлар ҳеч кимни ғафлатда қолдирмаслиги учун худудимизда амалга оширилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш шундай хулоса чиқаришга асос бўлади, дейиш мумкин. Биринчи навбатда табиат ҳуружларининг бошланишини олдиндан, ўз вақтида пайқаб, унинг чорасини кўриш, бунинг учун тайёргарлик тадбирларини кўришга масъул хизматлар фаолияти шундан далолат беради. Бу — табиий офатлар биринчи навбатда юз берадиган жойларда истиқомат қилувчи юзлаб кишиларнинг хавфсизлиги таъминланди, демакдир.

Сўнгги йилларда тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, кўчкилар, сурилишлар юзага келиши мумкин бўлган жойлар вилоятимизда кам эмас. Лекин, уларнинг ҳаммаси назорат остида. Вилоят ҳокимлиги ҳам, маҳаллий ҳокимликлар ҳам, бу муаммони ҳал қилиш билан шуғулланиши лозим бўлган махсус хизматлар ва ташкилотлар ҳам бу ишни қатъий назорат остига олишган. Шунга қарамай муаммолар ниҳоятда кўп. Зеро вилоятимиз селлар ҳосил бўладиган, баҳор тошқинлари ўз микёслари бўйича ниҳоятда кенг бўлиши кутиладиган минтақада жойлашган. Шундай бўлгач, табиий офатлар билан қандай курашиш мумкин?

Биринчи навбатда, албатта, офатларнинг ҳуруж қилиши мумкин бўлган йўналишларни аниқлаш, тошқинлар, селнинг хавфли оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича саъй-харакатларни яхши ташкил этиш лозим. Вилоятимизда тегишли бўлинмалар, хизматларнинг фаолияти баайни худди шу йўналишда олиб борилмоқда.

Фавқулодда вазиятлар бўйича вилоят комиссиясининг вилоят ҳокимининг ўринбосари Л. П. Тернових раҳбарлигида ўтган мажлисида Тошкент вилояти ҳокими Э. М. Рўзиев иштирок этди. Мажлисда шу нарса таъкидландики, хавфли гидрогеологик жараёнларнинг ривожланиш миқёслари, уларни олдиндан аниқлашнинг мушкуллиги ҳисобга олиниб, сўнгги вақтда қатор муҳим ташкилий тадбирлар амалга оширилди. Уларнинг ҳаммаси баҳор тошқинларини, сел оқимларини хавфсиз ўтказишни таъминлашга қаратилди. Бошқача қилиб айтганда, офатлар вилоят аҳолисига, унинг иқтисодиётига катта зарар келтиришнинг олдини олиш учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

Лекин, тошқинлар, селларнинг фалокатсиз ўтишини таъминлаш қийин бўлган участкалар ҳали ҳам бор. Бундай аҳволдан чиқишнинг бирдан-бир чораси кишиларни вақтинча ёки бутунлай бошқа жойга кўчиришдир. Чунончи, ўтган йилнинг биринчи январигача хавфли кўчкилар бўлиши кутилган минтақалардан 33 хонадон вақтинчалик бошқа жойга кўчирилди. Шунингдек, сел оқадиган сойлар, сув ўтказувчи ва бошқа иншоотларни тозалаш ишлари амалга оширилди.

Бу иш бутун 1994 йил давомида олиб борилди. Фавқулодда вазиятлар бўйича комиссиянинг яқинда бўлиб ўтган мажлисида айрим фактлар келтирилди. Уларни эътиборингизга хавола қилмоқчимиз. Ўтган йили вилоятда республика Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология қўмитаси мутахассислари билан биргаликда хавфли кўчкилар ва сурилишлар бўлиши мумкин бўлган минтақалар аэросуратга олинди. Вилоят аҳолиси ва халқ хўжалигини табиатнинг тўсатдан содир бўладиган ҳуружларидан ҳимоя қилишнинг узоқ муддатга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди. Табиийки, бу ишнинг бориши давомида, мутахассисларнинг фикрича олдиндан айтиб бўлмайдиган фалокатли оқибатларга олиб келувчи тошқинлар, селлар оқиб ўтиши мумкин бўлган, кўчкилар, сурилишлар юзага келадиган минтақалардаги энг хавфли худудлар аниқланди. Бундай минтақалардан 667 хонадон аҳолиси кўчирилди.

Албатта, бу тадбирлар анчагина моддий маблағларни талаб қилди. Хавфсиз жойларда уй қуриб олиш истагини билдирган оилаларга умумий майдони салкам 100 гектарга яқин бўлган 750 тадан ортиқ участка ажратилди. Бошқа жойга кўчишга мажбур бўлган оилаларга вилоят корхоналари катта ёрдам бердилар. Улар кўчиб ўтувчилар жамғармасига текинга 500 тонна цемент, 10 мингта шифер, салкам 1 миллион дона ғишт, 2,5 километр узунликда асбоцемент қувурлари, пойдевор блоклари бердилар. Савдо ташкилотлари биринчи навбатда шундай уй қурувчиларга ёғоч-тахта материалларини, томга ёпиладиган тунука, ойна, мих ҳамда зарур бўлган бошқа нарсаларни сотдилар.

Табиийки, яшаш учун янги жойларга кўчиб ўтган хонадонларга электр ва ичимлик сув тармоқларини ўтказиш, шаҳарчалар ичидаги йўлларни қуришда иложи борича кўпроқ ёрдам бериш учун барча ишлар қилинди. Бу йўналишдаги ишлар бугунги кунда ҳам олиб борилмоқда.

Хавфли минтақалардаги бузилаётган уйлари ўрнига давлат фондидан жой олиш истагини билдирган оилалар учун Ангрен шаҳрида кўп квартирали уй, Паркент туманида 14 та коттеж қурилди.

Якка тартибда уй-жой қурувчилар учун ажратилган даҳаларда салкам 150 та уй тикланди ва уларга аҳоли кўчиб кирмоқда. Бу жойга вақтинчалик схема бўйича электр энергияси узайтирилмоқда, ичимлик сувни етказиш ёки ташиб бериш ташкил этилган, шаҳарчалар ичидаги йўллар тартибга келтирилган. Вилоят хизматлари ва пудратчи ташкилотлар бу ишлар яқин вақт ичида тўла ҳажмда бажарилиши учун ўзларининг бутун куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар.

Пул маблағлари ажратишда ҳам анчагина иш қилинди. Юзлаб кишилар кўчиб ўтишлари, уларни янги жойда яшаб қолишлари учун вилоят манбаларидан 10 миллион сўм сарфланди. Бу пулларнинг деярли ярми хавфли минтақалардаги бузилиши лозим бўлган уй-жой ва хўжалик биноларининг товонини тўлаш учун ажратилди.

Бундан ташқари, сойлар ва дарёларнинг қирғоқларини муҳофаза қилиш иншоотларига харсанг тошлар ётқизиш, тупроқ ва бошқа шу каби ишларни бажариш каби ҳимоя қилиш тадбирларини амалга оширишга анчагина миқдорда маблағ сарфланди. Бир сўз билан айтганда, табиий фалокатларнинг ҳалокатли оқибатлари олдини олиш, яшаш учун янги жойларга кўчиб ўтган кишиларга ёрдам беришда, албатта, анчагина ишлар қилинди. Бу йўналишда кўпроқ иш қилиниши мумкин эди. Лекин, бунга имконият бўлмади. Бугунги кунда пул маблағларининг етишмаслиги кескин муаммо бўлиб турипти. Масалан, сув хўжалиги мутахассисларининг ҳисоб-китоблари Тошкент вилоятидаги барча дарёлар ва сойлар бўйича қирғоқни муҳофаза қилиш объектлари қурилишини ниҳоясига етказиш учун қўшимча 44 миллион сўм керак экан. Бугунги кунда шунча миқдордаги маблағни топишнинг ўзи бўлмайди.

Турли вазирликлар ва идоралар ўтрасида ҳамкорлик унчалик яхши эмас. Масалан, Сув хўжалиги вазирлиги дарёлар, сойлар, қирғоқларини, гидроиншоотлар олдида муҳофаза қилиш бўйича турли ишлар улар балансида бўлган вазирликлар ва идоралар маблағлари ҳисобига амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблайди. Улар эса маблағларнинг йўқлигини баҳона қиладилар ва кузатиш хизматлари кўрсатмаларини бажармайдилар. Шундай қилиб, қандайдир англашилмайдиган вазият вужудга келмоқда. Ундан қандай қилиб чиқиш мумкин? Табиий ҳуружлар юз бериши мумкин бўлган жойларни муҳофаза қилиш бўйича турли хил тадбирлар ва ишларни амалга ошириш учун пулни қаердан топиш мумкин? Пойтахт вилояти ҳокимлиги бу ва бошқа шу каби масалаларга фақат жавоб қидирибгина қолмай, айни вақтда юзага келаётган муаммони ҳал қилиш учун ўз йўлини таклиф этмоқда. Бундай аҳволдан қутулиш йўлларидан бири сувнинг оқиши жараёнларини тартибга солиш, сув ҳавзаларини ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган ягона ташкилотни барпо этишдир. Табиийки, бундай ташкилот етарли ваколатларга, пул ва моддий ресурсларга эга бўлиши лозим. Вилоят ҳокимлигининг фикрича, республика Сув хўжалиги вазирлигининг худудий бошқармалари бу талабларга жавоб бериши мумкин. Бу ташкилотларда махсус техника, амалда синаб кўрилган технологиялар, иш тажрибаси, малакали лойиҳа-муҳандислик хизматларининг борлиги, дамба-қирғоқларни мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш учун харажатларни анча қисқартиришга олиб келган бўлур эди.

Албатта, бундай ташкилотларни имкони борича маҳаллий бюджетдан ҳам, бошқа манбалардан ҳам маблағлар билан қўллаб-қувватлаб туриш зарур.

Аҳолини янги жойларга кўчириш, уларни уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш учун анчагина миқдордаги маблағ керак бўлади. Афсуски, шундай дастурни республика бюджетидан маблағ билан таъминлаш тўғрисидаги қарор бажарилмаяпти. Албатта, бу ишларнинг боришини мушкуллаштирмоқда. Тошқинлар, кўчкилар ва бошқа табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишлар суръати сусайяпти.

Комиссия мажлисида бу ҳолатлар алоҳида таъкидланди. Бироқ, шунга қарамай, эришилган маррада тўхтамаслик лозимлиги қайд қилинди. Мажлисда вилоятдаги шаҳарлар ва туманлар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари табиий офатлар ҳуружларининг ҳалокатли оқибатлари олдини олишга қаратилган ишларнинг асосий ҳажмларини амалга ошириш учун бош жавобгардирлар, деб таъкидланди. Ислоҳотлар ўтказилаётган янги шароитларда мураккаб муаммоларни ҳал қилиш йўлларини қатъий излаш ва топиш лозим. Маблағларнинг йўқлигини баҳона қилмасдан ишлаш керак, табиий ҳуружлар содир бўлганда ҳам улар вилоят аҳолисига, унинг иқтисодиётига сезиларли зарар етказмаслиги учун барча чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Бу йилги баҳор-ёз мавсумини, шу вақтда содир бўлиши мумкин бўлган гидрогеологик ҳолатларни ўтган йил тажрибасини ҳисобга олиб, кутиб олиш лозим. Барча зарур тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш муҳимдир.

Ҳозирги вақтда бу ишга киришилди. Маҳаллий ҳокимият органлари тошқинлар, селлар содир бўлса, қандай чора-тадбирлар кўриш кераклиги ҳақида аниқ тавсиялар олдилар. Мутахассислар бу йил тошқин сувлар, селлар оқиб ўтиши, кўчкилар содир бўлиши мумкин бўлган минтақалардаги энг хавфли участкаларни белгиладилар. Ҳар бир аниқ вазиятда объектлар, экин майдонларини уларнинг идоравий қарашлиги бўйича муҳофаза қилиш юзасидан кўриладиган чоралар аниқ белгиланди. Кишиларни огоҳ қилиш, кўчкилар ва тошқинлар катта хавф соладиган туманлардан аҳолини кўчириш схемалари ишлаб чиқилди. Зарур бўлганда эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш назарда тутилди. Шунингдек, ёқилғи, молия ва моддий-техника воситаларининг зарур заҳираларини тайёрлаб қўйиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Бундай вазиятларда бошқа ишларни ҳам амалга ошириш назарда тутилмоқда. Чунончи, махсус постлар тузилади. Улар энг хавфли минтақаларда ўткинчилар юрмаслиги устидан ҳам кузатув олиб борадилар. Хавфли минтақалардан ўтиш ман қилинди. Бундай жойларда чорва ҳам боқилмайди.

Тошқинлар, селлар, кўчкилар бўлиши оқибатида юзага келадиган вазият кучайиб кетмаслиги, назорат остида бўлиши учун сезгир туришимиз муҳимдир. Бундай ҳодисалар қатъий назорат остида бўлишига ишонч билдирамиз.

ФАРМОН ВА ИЖРО

АСОСИЙ МАҚСАД — АҲОЛИГА ХИЗМАТНИ ЯХШИЛАШ

- **«Зафар—И» ҳиссадорлик жамиятининг ташаббуси**
- **«Саодат» дўкон эмас, корхона деб аталди**
- **Улгуржи мол олмоқчимисиз, марҳамат**
- **Аҳолига кўрсатиладиган хизмат турлари кўпайди**
- **Хонадонлар учун эшик, ром, сўри ва бошқалар**
- **Уйлар таъмири — буюртма асосида**

ҲОЛВА деган билан оғиз чучимас экан. Кейинги пайтларда ислоҳот туфайли ишлаб чиқариш, хўжаликлар, корхоналар қатори ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Изланишлар, имкониятлар қидиришлик, тадбиркорлик саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бермоқда. Юқоричирчиқ тумани маркази — Янгибозорда яқинда иш бошлаган «Саодат» савдо марказини ана шундай хайрли тадбирлар сирасига киритса бўлади.

Гапнинг аниқроғи, бу дўкон илгари ҳам бор эди. Лекин, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос шарт-шароитлари мазкур магазин фаолиятига ҳам нохуш таъсир кўрсатди. Дўкон пештахталари бўшаб қолди. Товарлар танқислиги кескин сезилди. Мол келтириш ғоят мушкуллашди. Маблағ масалалари оғирлашди. Ходимлар аста-секин ишдан кета бошлашди. Катта бир жамоа оғир кунларга дуч келганди.

— Бундай аҳволдан хабаримиз бор эди,—деди «Зафар—И» ҳиссадорлик жамиятининг бош директори Зоид Исмоилов,— вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси таркибида бўлганлигимиз боис Юқоричирчиқ тумани аҳолисига ёрдам беришга аҳд қилдик. Ахир ҳамкорлик ҳамиша ҳам яхши натижалар берган-ку. Шу орада Президентимизнинг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони эълон қилиниб қолди. Бу фармон бизга жуда қўл келди. Унда «Маҳсулот ишлаб чиқаришни, савдо-сотиқни ва турли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш биноларини белгиланган тартибда» тасарруфга олиш айтилган эди. Қишлоқ жойларида замонавий савдо марказларини очиш нуқтаи назаридан фармон ғоят аҳамиятли эди.

Мен «Ўзбекбирлашув»да бўлган бир мажлисда қишлоқ матлуботчилари билан тиғиз ҳамкорлик қилиш пайти келди, деган таклифни ўртага ташладим. Бу таклиф бироздан сўнг вилоят ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди. Шу тариқа ишга киришиб кетдик. Тез фурсатда Янгибозордаги бош дўконни балансимизга ўтказиб, сотиб олдик. 1600 квадрат метрлик савдо саҳни бўлган магазинни таъмирлашга тутиндик. Йигирма кунга яқин вақт ичида ҳамма ишларнинг уддасидан чиқдик. Чунки, вақт-сармоя деган гап эди. Бунинг самараси ўлароқ, мана шу дўкон-корхона вужудга келди. Охири бахайр бўлсин, ҳозирча бундай дўкон матлубот тизилмасида республикамизда биринчи бўлиб бизнинг вилоятда очилди, дейишмоқда. Шу боис Қорақалпоғистон ҳамда барча вилоятлар матлубот жамиятлари уюшмалари ходимларининг кўргазма-семинари бугун баайни мана шу ерда бўлиб ўтади.

— Ҳозирги улгуржи ва чакана савдо корхонамиз фаолияти аввалгисидан тубдан фарқ қилади,— деди «Саодат» директори Ғайрат Эшматов,— Савдодан савдонинг фарқи борлигини энди тушуняпмиз. Илгари бизнинг асосий вазифамиз — олиб келиб берилган нарсаларни қабул қилиб олиш ва сотишдангина иборат эди. Бирон бир товар бўлмаса, келтириб беришларини кутиб ўтиравердик. Энди билсак, бу ғирт боқимандалик экан. Энди-чи? «Зафар» тасарруфига ўтганимиздан сўнг бевосита бизнинг ўзимиз маҳсулотлар топиш ва олиб келиш билан шуғулланмоқдамиз. Зеро бундан биринчи навбатда ўзимиз манфаатдормиз. Қолаверса, халққа хизмат кўрсатиш яхшиланади. Керакли нарсаларни улар бизнинг дўкондан бемалол топа оладилар ва харид қиладилар.

Устига-устак биз «савдо қилмоқ» деган тушунча доирасини кенгайтирдик. Савдо қилиш билан бирга аҳолига хизмат кўрсатишни ҳам кенг йўлга қўйдик. Жумладан, ҳар қандай корхона, қўшма корхона, хорижий фирма, фермер ва жамоа хўжаликлари ёхуд хусусий дўкон эгалари, бошқа адлиявий шахслар бизлардан улгуржи йўл билан озиқ-овқат ёки ноозиқ-овқат товарларини сотиб олишлари мумкин. Бунда улар товарларни 15 фоиз арзонга харид қиладилар. Яна бир қувончли томони — одамлар бизга ўз уйларининг таъмири, темир решёткалар, эшиклар, ромлар, темир қроватлар ва бошқа зарур жиҳозлар бўйича буюртмалар берсалар, марҳамат, биз уларни тез ва ўз вақтида амалга оширамиз.

Аввалги аҳвол билан кейингисининг фарқини битта рақамда кўрсатмоқчиман. Ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида 144 минг 342 сўмлик савдо қилган бўлсак, бу рақам биргина февраль ойининг ўзида 387 минг 936 сўмни ташкил этди. Қаранг, фарқ осмон билан ер қадар.

Дўкон-корхонамизда 9 та — озиқ-овқат, газмол, тайёр кийимлар, тижорат-восита, маданий, хўжалик моллари сингари бўлимлар бўлиб, уларнинг хизматидан аҳоли қониқиш ҳосил қилмоқда.

Масаланинг яна бир нозик томони шундаки, авваллари ходимлар сони озайиб, 13 тага тушиб қолган эди. Ҳозир улар 24 нафарга етди. Қўшимча 11 та ишчи ўрни ташкил этишга муваффақ бўлдик. Келажакда уларнинг сони янада кўпайиши кутилмоқда.

...Яхши гаплар. Бироқ бизни бу савдо-корхонаси ҳақида харидорлар нима дер экан, деган савол қизиқтирарди. Мана уларнинг фикрлари.

— Январь ойининг охирларида «Саодат» ишлай бошлаганини эшитиб қолдим. Қизиқсиниб, бу ерга келдим. Келдиму, ҳайрон бўлиб қолдим. Муболағасиз, ҳамма нарса бор эди. Яна денг сарёғ, колбаса, сир, қаймоқ сингари маҳсулотлар бошқа ерлардагидан бирмунча арзон эди. Бу ишга мутасаддилик қилганларга раҳмат,— деди Эргаш Бўтабоев.

— Мен уй бекасиман,— Дё Мариянинг хурсандчилиги шундоқ юзидан билиниб турарди,— бизнинг «Саодат»га ўхшаган жойни бошқа ерда учратмадим. Қилса бўлар экан-ку...

— Аввалари бу дўконга мутлақо келмас эдим,— деди ёш йигит Миртолиб Жамолов,— хафсаламиз пир бўлганди. Ҳозир тез-тез келиб тураман. Истаган нарсамни топаман. Харидорга бундан ортиқ нима керак?..

...Ҳа, Янгибозордаги Мустақиллик бош кўчасида қад кўтарган икки қаватли ҳашаматли «Саодат» биноси ҳамиша одамлар билан гавжум. Бинобарин савдо ва одамларга хизмат кўрсатишнинг янгича андозаси шу ерда палак отмоқда, дейиш мумкин. Бу яхши тажриба тез кунларда бошқа ҳудудларга ёйилса, ажаб эмас.

Р. УМАРОВ.

СУРАТЛАРДА: «Саодат»нинг умумий кўриниши; харидорлар газмол бўлимида.

Д. АҲМАД суратлари.

БИЗ ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚМОҚЧИМИЗ

Зангиота туманидаги «Бўзсув» деҳқон-фермер уюшмасининг ҳорижий мамлакатлар услубидан фойдаланиб сабзавот уруғчилигини ривожлантириш, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган сара уруғлар тайёрлаш борасида олиб бораётган илк иш тажрибалари тўғрисида уюшма раиси Алишер ҒАФФОРОВ ҳикоя қилади:

ҲОЗИР шундайки, қайси бир соҳада бўлмасин ҳисоб-китоб билан меҳнат қилмасангиз, табиркор, ишбилармон бўлмасангиз, етиштираётган маҳсулот, ноз-неъматларингиз билан халқни, ўзингизни, жамоангиз эҳтиёжини қондирибгина қолмай, балки, бу маҳсулотлар билан жаҳон бозорига чиқаолмасангиз, у ҳолда замон сизга боқмай қўяди.

Уруғчиликка ихтисослашган хўжалигимиз узоқ йиллар давомида давлат хўжалиги сифатида фаолият кўрсатганлиги учун ҳам шундай бўлиб келди. У вақтда давлатнинг айтгани-айтган, дегани-деган эди-да! Эртадан кечгача қора терга ботиб, меҳнат қилган деҳқоннинг косаси оқариши қийин бўлди. Мустақилликка ўтгач эса жамоа хўжалиги сифатида ишлай бошладик. Ҳар ҳолда мулк жамоаники эди-да! Аввал, не-не машаққатлар билан етиштирадиган ўрғни арзон гаровга сотишга мажбур эдик. Жамоа хўжалиги бўлиб олгач, анча тортишувлар, мутасаддилар билан сан-манга бориб бўлса ҳам уруғнинг нархини ўзимиз белгилаб, сота бошладик. Ишлар анча юришиб кетди. Даромад ҳам кўпая борди. Иқтисодимиз яхшиланди. Масалан, ўтган йили Голландия усули ва технологияси бўйича етиштирилган картошкадан гектаридан 16 тоннадан ҳосил олдик. Уни саралаб, уруғини уруққа, истеъмол қилинадиганини бошқа қилиб гамлаб қўйдик, сотдик. Хўжаликларга 560 тонна сифатли картошка уруғи етказиб бердик. Жамоанинг жамики пул даромади 20 миллион сўмни ташкил этди. Деҳқончиликдаги соф даромад 8 миллион сўмга етди. Умумий соф даромад эса 9 миллион 200 минг сўм бўлди. Ҳамма соҳа фойдага кирди. Шу туфайли ҳам рентабеллик 92,4 фоизга борди. Бир гектар майдон бизга 33400 сўм даромад келтирди. Жамоа аъзоларининг ўртача ойлиги 720 сўмни ташкил этди. Ғоятда самарали, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилиб, юқори ҳосил олган айрим пудратчи деҳқонлар режадан ортиқча топширган маҳсулотлари учун мўмай даромад қилдилар. Жумладан, Ўрол Тўраев 24 минг сўм, Зиёда Бойбоева 17 минг сўм, Низом Тожибоев 15 минг сўм, Сайёра Солижонова 8 минг сўм пул олди. Мутахассисларга ҳам ўртача 8—10 минг сўмдан мукофот берилди.

Бундай қараганда эришилаётган натижалар анча салмоқлига ўхшайди. Лекин, фаолиятимизни чуқур таҳлил қилсак, имкониятларимиздан тўла-тўкис фойдалана олмаяпмиз. Ҳали ҳам жамоа мулкини асраб-авайлаш, тежамкорлик билан сарфлашда камчиликларга йўл қўйиляпти. Бунга имонимиз комил. Шунинг учун ҳам биз мутасаддилар, тажрибакорлар билан маслаҳатлашиб, бошқарув тизимини ўзгартиришга, ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб, деҳқон (фермер)лар уюшмасини ташкил этишга аҳд қилдик.

Бу ўзгартишларнинг моҳияти, мақсади пировард натижада фермерчалик ҳаракатини чинакамига йўлга қўйиш, деҳқоннинг қадрини оширишдан иборатдир. Зотан бундан буён фермер қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳал қилувчи роль ўйнаши ҳеч кимга сир эмас. Фермер бутун билимини, тажрибасини, малакасини, фаолиятини ишга солиб, ердан ниҳоятда омилкорлик билан фойдаланиш ва шу ҳисобга хилма-хил ва сифатли маҳсулот етиштириш ишига бош-қош бўлиши керак. Бунинг учун у ишлаб чиқаришга энг янги усуллар, технологияларни жорий этиши, техникаларни усталик билан қўлланиши ва пировард натижада қанотини кенг ёйиши, қамровини кенг олиши керак. Демакки, фермерга қўйиладиган талаб катта. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ҳамма ҳақиқий фермер бўла олмайди. Ваҳоланки ҳозирги пайтда бизда кўпи билан 2—3, ҳатто бир гектар ерни олиб, «мен фермерман» деб кўкрагини кериб юрадиганлар йўқ эмас. Улар баъзи ҳолларда ердан фойдалана олмаяптилар. Умрини бекор ўтказмоқдалар. Ёки бўлмаса қанча ҳаракат қилмасинлар баъзи масалаларда қўллари калталик қилмоқда. Бундай аҳволда ҳақиқий фермерлар етишиб чиқиши қийин. Шунинг учун ҳам биз жамоа хўжалигини фермерлар уюшмасига айлантирдик. Унинг таркибига ҳар бири ўзига мустақил бўлган 12 та фермер хўжалиги киритилди. Ҳар бир хўжаликка 50—60 гектардан ер бириктирилди. Албатта, бундай майдонларда техника ва бошқа омиллардан бемалол фойдаланиш мумкин бўлади...

Бир куни хўжалигимизга «Узмевасабзавотузум» концернининг раиси Баҳром Носиров голландиялик меҳмонларни олиб келиб қолди...Меҳмонлар бу соҳадаги ишларимиз билан қизиқиб, қимматли маслаҳатлар бердилар. Сабзавотчиликда ҳам модел асосида маҳсулот, уруғ етиштиришнинг истиқболли эканлигини айтдилар. Бу осон иш эмас. Фермернинг маҳорати ташкилотчилигига боғлиқ. Сизлар деҳқон-фермерларга бериладиган майдонларни кенгайтириб тўғри иш қилибсизлар.

Меҳмонлар фермерчилик ҳаракати осонликча яхши изга тушиб кетолмаслигини ўз юртларидаги ишлар мисолида айтиб бердилар. Масалан, ҳозир жаҳонга машҳур бўлган «Себеко» фирмаси дастлаб ташкил бўлган пайтда унга 10 та фермер уюшган экан. Ҳозир эса уларнинг сони 55 минга етибди.

— Минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши, — деб айтишди улар, — бизга меҳмон бўлиб боринглар, сабзавотчилик ва айниқса, сабзавот уруғчилиги соҳасидаги ишларимиз билан ўша жойнинг ўзида танишасизлар, шартномалар тузамиз. Бу таклиф маъқул бўлди. Шундай қилиб, биз тўрт киши: машҳур уруғчи сабзавоткор, «Қорасув» жамоа хўжалиги раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Аъзам Абдувалиев, «Қўйлиқ» иссиқхонаси раҳбари Меҳриддин Аҳмедов, «Туркистон» жамоа хўжалиги раиси Ҳамидулла Йўлчиев ва мен шу йилнинг 23 январидан 30 январига қадар сафарда бўлдик.

У ердаги қишлоқ хўжалиги ишларининг юритилиши, аҳолининг турмуш тарзи билан танишдик ва унутилмас таассуротлар билан қайтдик. Энг муҳими Голландияда қонун ҳамма учун баббаравар, беками-кўст ишлайди. Одамлар бир-бирларига ўта меҳрибон, оқибатли, ҳурмат-иззатини жойига қўйишади. Қаттиқ гапиришмайди. Ширин муомалада бўлишади. Меҳнат қилишни қойилмақом қилиб, дам олишни ҳам ниҳоятда ўрнига қўйишади.

Сафардан қайтгач, у ерда ўрганган тажрибаларимиз, кўрган-билганларимизни ўзимизда амалда қўллашга астойдил киришдик, кимлар фермер бўла олади, ишни эплаб кета оладими, йўқми, бу ҳақда яна обдон фикрлашиб, маслаҳатлашдик, бир қарорга келдик. Шундан сўнг умумий мажлисда сайлов асосида фермерларнинг номзоди тасдиқланди. Улар асосан маҳаллий кадрлар. Айримлари узоқ йил бригадирлик қилган, айримлари узоқ йил бошқарув таркибида ишлашган. Уюшма ташкил қилингач, қўплар бўшади. Улар фермер бўлишди. Дарвоқе, илгари жамоа хўжалиги бошқаруви таркибида 40 киши меҳнат қиларди. Ҳисобчиларнинг ўзи 12 киши эди. Эндиликда уларнинг сони кескин камайди. Бошқарув ниҳоятда ихчамлашди. Бундан буён кенгаш раиси, учта мутахассис, 2 та ҳисобчи ишлайди, холос. Эндиликда бу мутахассислар ҳам фермер хўжаликлари билан шартнома асосида ишлайдилар. Шартномада мутахассиснинг асосий вазифаси агротехника ва сервис хизмати кўрсатишдан иборатдир деб белгиланган. У ана шу вазифасини ҳалол, сидқидилдан бажарсагина унга ҳақ тўланади. Мутахассис, дейлик, агроном, бундан буён ўз вазифасига алоқаси бўлмаган ишлар билан шуғулланмайди. Илгаригидек бекорчи вақти бўлмайди. У бригадага бориб, бу бригадага бориб, пишиб етилган ҳосилга хўжайинлик қила олмайди. Фалончига, писмадончига бунча бериб юбор, деб айта олмайди. Бевосита ўз иши билан шуғулланишга даъват этилган. Акс ҳолда обрўсига путур етади. Бу дегани, у минбардан тушиб қолади. Қайси бир мутахассис бундай бўлишини хоҳлайди, дейсиз. Ахир унинг ҳам ўзига яраша иззат-нафси бор, оиласи, бола чақасини боқиш керак. Мисқоллаб йиққан обрўсининг тушиб кетишига сира йўл қўймайди.

Ҳар бир фермернинг банкда ўз ҳисоби очилган, муҳрига эга, фермерлар оладиган даромадларидан 30 фоизини кенгашга, уюшмага ўтказадилар. Уюшма ана шу маблағ ҳисобидан фермерларни пул, уруғ, ёқилғи мойлаш материаллари ва бошқа воситалар билан таъминлайди. Техника хизмати кўрсатишни йўлга қўяди. Ижтимоий масалаларга сарфланади. Уюшмага ўтказиладиган бу 30 фоиз даромаддан фоиз олинмайди. Фермер уюшмага ҳисоб бериб туради. Ўз навбатида уюшма эса фақат давлат органларига ҳисоб беради.

Уюшманинг 17 аъзоси бор. Ҳар бир фермер хўжалиги ўзининг низомига эга. Уюшманинг ҳам ўз низоми бор. Деҳқон-фермер хўжалиги ҳам, уюшма ҳам бутун йил давомида ана шу низомга қатъий риоя қилган ҳолда иш олиб боради. Низом бузилса, тегишли чора-тадбир кўрилади. Фермер ўз бурчи, вазифаси, қиладиган ишини яхши билганлиги, режани обдан пишитиб белгилаб олганлиги учун ҳам уюшма раҳбарияти уларни ҳуда-беҳудага чақириб, ҳар хил топшириқлар бериб, безовта қилмайди. Бунинг учун ҳожат ҳам йўқ. Фақат ҳар ойда бир марта уюшма аъзолари билан йиғилиш ўтказилади ва унда муаммоли масалалар ҳал этилади. Бир йилда икки марта умумий мажлис чақирилади. Уюшмада ҳал бўлмай қолган масалалар ана шу мажлисда ҳал этилади.

Шу ўринда савол туғилади. Деҳқон фермерларнинг фаолияти, иши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлдик. Хўш, фермада, техника саройидаги ишлар қандай ташкил этилади? Янгича шароитда улар қандай иш юритадилар, кимга бўйсунадилар?

Бунинг ҳам йўли топилган. Янгича шароитда собиқ автотрактор саройи марказий-таъмирлаш ва техника-сервис хизмати кўрсатиш мустақил корхонасига айлантирилди. Унинг иш услуби бир вақтлардаги МТСларга ўхшатса бўлади.

Сут-товар фермаси эса сут-гўшт етиштириш ижара-фермер хўжалиги сифатида фаолият кўрсатабошлади.

Ҳар иккисининг ҳам ўз муҳри, банкда ўз ҳисоб варақаси бор.

Айтгандек, бир нарсани унутаёзибмиз. Мутахассислар ўз ихтиссослари бўйича ишлаш билан бир пайтда уюшма раисининг муовини ҳам ҳисобланадилар. Масалан, Ҳамидулла Мирзаев агрономлик иши бўйича, Ҳаким Акромов иқтисод бўйича, Ҳамидулла Турсунов техника бўйича раиснинг ўринбосари вазифасини ҳам бажарадилар.

Албатта, бошқарувдаги бу ўзгариш, бу янгиликлар тўла-тўкис ҳаётга татбиқ этилиши ва кўзланган натижага эришилиши осонликча бўлмайди. Бу йўлда қоқилишлар, туртинишлар, тўсиқлар учраб туриши табиий ҳол. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ илк қадамларга, натижаларга асосланиб, шуни айтиш мумкинки, одамларнинг ишга бўлган муносабатлари тубдан ўзгарди. Чунки мулк оғизда эмас, амалда ҳақиқий эгасини топмоқда. Ер деҳқонга бериб қўйилди. Энди у ўзи етиштирган маҳсулотга ўзи хўжайинлик қилади.

Оддий бир мисол. Бошқарувнинг олдинги услубида бригадир нима қиларди, денг? Айтайлик, ҳосил пишиб етилган пайт. Унга яшчиклар керак бўлиб қолди. Шунда бригадир дарҳол омборчининг ёнига боради. Менга шунча яшчик беринг, дерди ва у керакли яшчикни олларди. Омбор мудири эса қоғозга қайд қилиб қўярди. Шу билан иш тамом, масъулият унутилади. Яшчиклар далага олиб борилгач, унинг сингани, талон-тарож қилингани, уёқ-бу ёққа бериб юборилгани билан ҳеч кимнинг иши бўлмасди. Охир оқибатда кўрилган зарар кўпчилик ҳақидан қопланарди. Ёки трактор керак бўлиб қолди, дейлик. Бригадир техника саройидан тракторни сўраб олиб келиб, даласида бир кун ёки 5-6 соат ишлатгач, кейин тракторчи билан келишиб, томорқасига олиб бориб ер ҳайдатарди ёки бирон танишининг хожатини чиқариш учун юбортирарди. Сўнг биз тракторни шунча кун, шунча соат ишлатдик, унинг меҳнат ҳаққи шунча бўлади, деб қўл қўйиб, ёзиб берарди. Энди эса бунгидай ўзбошимчаликни қилиб бўлмайди. Агарда фермерга трактор керак бўлиб қолса, у техника хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш корхонасининг раҳбарига учрайди, мақсадини айтади. Раҳбар трактор нимага керак, нима иш қилдирасиз, қанча вақтга, қанча кунга зарур, дейди. Фермер тахминан муддатини айтади. Дейлик, 8 соат. Корхона раҳбари қўлига чўтки олиб, дархол ҳисоб-китоб қилади. Тракторни бир соат ишлатганингиз учун тўланадиган ҳақ шунча туради. Уни 8 соатга кўпайтирсак шунча бўлади. Марҳамат қилиб, ана шу ҳақни тўлайсиз, биз қоғоз ёзиб, қўл қўйиб берамиз, ана шундан сўнг тракторни сизга юборамиз, дейди. Албатта фермер ўйлаб қолади. Трактордан мумкин қадар унумли фойдаланиш учун ҳаракат қилади. Чунки, у ҳақини олдиндан тўлаб қўйган-да!

Қуйидаги мисол фермада ишга муносабат ижобий томонга қараб кескин ўзгарганлигидан далолат беради. Бу ерда 750 бош мол боқилади, зоти яхши, ускуналар ҳам етарли. Ем-хашакни бўлса, четдан сотиб оладилар. Энди ижарага ўтилгач, мустақил бўлгач, ижарачи фермер-раҳбар ҳар бир қаламини ўйлаб босади. Қандай қилиб фойдани, даромадни кўпайтиришни ўйлайди. Илгари сутта ҳам, гўштга ҳам қатъий режа қўйиларди. Сенинг ишингга бу режаларни бажаришингга қараб баҳо берардилар. Гап эшитмай, маломатга қолмай қўя қолай деб, қандай бўлмасин сутни, гўштни комбинатга топшириб, юзни ёруғ қилиш ҳаракатида бўлардилар. Ҳозир эса бундай қилинса, чўнтакка зиён. Ҳамённинг баракаси бўлмай қолади. Жамоа аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш керак-ку! Ахир улар меҳнатларига яраша рағбат кўришлари зарур! Ишлаб чиқарилган ҳар бир килограмм маҳсулотдан зиён кўрмай, фойда олиш шарт! Шунинг учун сутни келишилган нархда сотишлари табиий ҳол. Шу мақсадда яқинда хўжалик раҳбари — аввал зоотехник бўлиб ишлаган Фаёзиддин Содиров ўзи сут комбинатига бориб, у ердаги мутасаддилар билан учрашиб, «музокара» олиб борди. Энди бундан буён сутни аввалги нархда сота олмаймиз, деди. Ҳоҳласаларингиз шу. Аввалига комбинат раҳбарлари баланд келишди. Бу мумкин эмас, сизлар бизга сутни топширишга мажбурсизлар, акс ҳолда юқорига шикоят қиламиз дейишди. Лекин, Фаёзиддин бўш келмади. Ҳоҳлаганингиз, деди. Шундан кейин раҳбарлар пастроқ тушишга мажбур бўлдилар. Талашиб-тортишишдан сўнг сутнинг ҳар литрига 50 тийиндан қўшиб тўлайдиган бўлишди. Бу катта гап, албатта! Ем қачон келади деб кутиб ўтиришга ҳам барҳам берилди. Олларга гўшт керакми, марҳамат, олинглар, лекин, бизни ем билан таъминлайсизлар. Бўлмаса... Раҳбарлар келишишга мажбур бўлдилар.

Хуллас, бошқарувнинг янгича тизими афзаллиги ҳақида гапирамиз десак гап кўп. Муҳими шуки, биз тўғри йўл танладик, деб ўйлайман.

Ахир Президентимиз айтяпти-ку, боқимандаликка барҳам берайлик, деб. Демак, ҳар бир жамоа, ҳар бир фермер ўзини ўзи эплаши, боқиши қўл остидагиларнинг иссиғидан, совуғидан хабар олиб туриши, уларни ижтимоий ҳимоя қилиши, таъминоти тўғрисида қайғуриши лозим. Бунинг учун пул ишлаш, даромад олиш, бой бўлиш керак. Бош мақсадимиз ҳам шу! Биз уруғчиликка ихтисослашганмизми, бу соҳадаги бурчимизни халоллик билан бажариб, мўл-кўл элита уруғи тайёрлашимиз ва керакли жойларга етказиб беришимиз зарур. Ҳозирча бу соҳадаги имкониятларимиз чекланган. Чунки, сифатли, элита уруғи олиш учун бизга элита, супер-элита уруғи етказиб беришлари керак. Бу ишга даҳлдор бўлган илмгоҳ эса ҳозирча ўз вазифасини бажара олмаяпти. Демакки, биз уларга кўз тикиб ўтиришимиз мумкин эмас. Бор имкониятларни ишга солиб, бор тажрибамизни бойитиб, қўлланиб, Голландия технологияси, тажрибасини оғишмай ишлаб чиқаришга жорий этиб, улар билан алоқани мустаҳкамлашимиз талаб этилади. Ана шунда мақсадга тезроқ эришамиз. Супер-элита уруғларини кўпроқ олиб келиб, элита уруғи етиштирамиз.

Бу соҳада дастлабки ижобий ишлар қилинди. Биз Голландиянинг Баккер-Бразерс фирмаси иши билан танишиб, алоқа ўрнатдик. Бу фирмада уч ака-ука ишлайди. Унга 1928 йилда асос солинган. Фирма селекция ишларида, сабзавотнинг сифатли уруғларини етиштириш ва сотишда узоқ йиллик тажрибага эга. Улар томонидан етиштирадиган уруғликлар ғоят сифатли бўлиб, дунёнинг барча мамлакатларига етказиб берилади.

Шуниси муҳимки, ака-укаларнинг фирмалари Қўшма Штатлар, Шарқий Африка мамлакатларида ҳам ўзларининг шахсий ишлаб чиқариш ускуналарига эга. Бу фирма дунёнинг иқлим шароити бир-биридан тубдан фарқ қиладиган мамлакатларга уруғ етказиб беришини ҳисобга олиб, бундай уруғликларни турли минтақалар шароитида ўстириб, синаб кўриб, сўнгра тавсия этадилар.

Ака-укалар ўзларининг тадбиркорликлари, билимдонликлари, ташкилотчиликлари, узоқни кўзлаб иш кўришлари, ерга меҳр билан муносабатда бўлаётганликлари туфайли ҳам дунёга машҳурдирлар.

Бизга айтиб беришди. Бу фирмада уруғ учун кафолат берилади. Уни олган деҳқон ҳеч вақт куйиб қолмайди. Бу ерда уруғ 10 грамм-дан тоқи 25 килограммгача бўлган идишларга жойланиб, чиройли ёзув-ёрлиқлар ёпиштириб сотилади.

Биз бу йил ана шу фирманинг помидор уруғидан келтириб, 70 гектар ерга экамиз. 10 гектар ерга эса бақлажон, 10 гектар ерга эса чучук гармдори уруғини экамиз. Улардан сифатли, элита уруғи олишга ҳаракат қиламиз. Эҳтимол келгусида биз ҳам ана ашу фирмага ўхшаб, уруғларни саралаб, уларни чиройли идишларга жойлаб, сўнг сотишимиз мумкин. Бунинг учун четдан уруғ саралайдиган машиналар олишимиз керак бўлади. Бу ғоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, биз ҳозирги кунда катта машаққатлар билан етиштирган ҳосилдан олинадиган уруғни асосан қўл воситасида саралаяпмиз. Бу жуда катта меҳнатни талаб этади. Кўп вақт ўтирлайди. Шунинг учун келгусида уруғчиликдаги ишларни механизациялаштириш ҳақида ҳам ҳозирдан ўйлаяпмиз.

Техника ҳар бир соҳага дадил кириб бориши керак. Мана, биз ҳозир Голландия усулида картошка етиштиргач, бу картошка Голландиядан келтирилган комбайнларда сараланиб, уруққа ярайдиганлари алоҳида ажратилади. Йириклари эса егулик учун қолади ва сотилади.

Келгусида биз махсус техникалар сотиб олиб, унинг ёрдамида стандартга тўғри келмайдиган картошкаларни қайта ишлаб, истеъмол қилинадиган тайёр маҳсулотга айлантириб, сотиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

Лекин ҳали қилинадиган ишларимиз жуда кўп. Бугун мен бир гапни очиқ айтишим керак. Вилоят, республика миқёсида ҳал этилиши зарур бўлган бир қатор муаммолар, масалалар борки, бу борада бизга амалий ёрдам берилса мақсадга тезроқ етишимиз мумкин. Масалан, биз ўз низомимизга асосланиб Баккер фирмаси билан қўшма корхона ташкил этишимиз ва бу корхона орқали сархил сабзавот уруғларини олиб келиб, уни экиб, сара уруғлар етиштиришимиз ва шу йўл билан уч-тўрт йил ичида вилоятимиз, республикамиз хўжаликларини сифатли уруғ билан таъминлаш билан бирга жаҳон бозорига ҳам чиқишимиз мумкин. Мен шунга аминманки, бу соҳада бизга республика мева-сабзавот узум Концерни, вилоят ҳокимлиги ва вилоятдаги қишлоқ хўжалигига даҳлдор мутасадди ташкилотлар амалий ёрдам берадилар. Ва биз ўз олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш, уруғчиликдаги ишларимизни ҳар жиҳатдан ривожлантириш, ҳориждан-супер-элита уруғлари ва техникаларни олиб келиб фойдаланишимиз, илғор технологияни қўлланиш имкониятига эга бўламиз. Бу аниқ ва амалга ошириса бўладиган ишдир. Ҳозир ана шу мақсад йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

Ёзиб олувчи Н. РИХСИЕВ.

Тадбиркорлик — иқтисодиёт келажаги

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 13

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» устахонаси.
18.30 «Солиқ».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Бўстон». Телевизион журнал.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Жаҳон жанговар санъатлари».
21.30 «Ўзбекистон бастакорлари». Толибжон Содиқов.
22.35 — 23.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
19.30 «Интилиш».
20.00 «Ташрифлар ва таклифлар».
20.30 «Саломат бўлинг!».
21.10 — 21.55 Бевосита мулоқот.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Ёшлик» студияси. «Эзгуликка интилиб».
*
«ОМАД» таништиради:
20.30 «Совға».
21.00 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
21.15 Жаҳон географияси.
22.05 Эълонлар.
22.10 Видео—«О».
23.50 Эълонлар.
23.55 «Курьер».
00.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
00.25 «Постфактум».
00.35 — 00.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «Ҳамманинг тилида».
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
19.55 «Кумушранг шар». Кўрсатувни В. Вульф олиб боради.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 А. И. Солженицин билан учрашув.
21.55 «Ван Дамм, Ван Дамм...» В. Молчановнинг муаллифлик кўрсатуви.
22.35 — 22.45 «Спорт уик-энди».

СЕШАНБА, 14

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Шаҳар чеккасида». Бадиий фильм.
10.20 «Оддий кун». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 «Кашф этилаётган имкониятлар».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
12.00 «Болалар меҳмонхонаси».
12.30 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
13.10 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
13.40 — 14.10 Камер куйларидан концерт.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ташаббус-94». Республика тадбиркорларининг II кўрик-танлови якунларига бағишланган кўрсатув ва концерт.
21.45 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ артисти Эътибор Жалилова.
22.35 — 23.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.55 Ҳайвонот дунёсининг сирлари.
19.45 Янгиликлар.
19.50 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.35 Видеогид.
20.55 «Теле-ателье-шоу».
21.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.45 «Кинонигоҳ».
23.25 — 23.45 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Дилдан ўйнаб, яйра қувнаб».
20.25 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
20.55 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
22.15 «Уммондан томчи».
22.50 «Бизнес-банк».
23.05 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
23.35 — 23.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 «Тонг».
*
18.00 «Рус йўналиши».
18.30 «СБ» жумбоғи».
18.40 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.25 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
19.55 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Илк манбадан».
21.50 — 22.20 «Гол».

ЧОРШАНБА, 15

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Оцеола». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 «Жон қизлар, жонон қизлар». Концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
12.00 «Ғазалхон ёшлигим».
12.40 «Алифбо сабоқлари».
13.10 — 15.10 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Маърифат бешиги».
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Таниш чеҳралар». Кинокўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ОЛДИДАН».
21.30 «Муҳаммад Раҳимхон Феруз». Ҳужжатли фильм премьераси.
22.25 — 22.50 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Дарсга қўнғироқ...».
19.15 «Мусиқий меҳмонхона».
20.15 «Шоҳсупа сари».
20.30 «Тошкент оқшомида».
21.30 — 23.10 «Кинематограф».

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.50 «Мулоҳаза».
20.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
«ОМАД» таништиради:
21.15 — 00.15 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 «Тонг».
***
18.00 Эфирда — Давлатлар-аро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.45 «Ким аслида ким?». XX аср. С. Рахманинов.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 Ғалабанинг 50 йиллигига. «Брест геттоси». Телефильм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Монолог».
21.50 — 23.50 Кино асри. «Оила кенгаши». Бадиий фильм (Франция, 1985 й.).

ПАЙШАНБА, 16

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. «Онажон, мен тирикман». Бадиий фильм.
10.05 Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 «Кафолат».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 «Ёшлик» студияси «Мактубларингизни ўқиб...»
12.40 «Ёшлар ижоди». Салоҳиддин Нуралиев.
13.05 - 15.05 «Синов даври». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Булоқлар кўз очганда».
19.40 «Мерос». Замахшарий.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон телевидениесида янги студияларининг кўрсатувлари. Экранда—Навоий вилояти.
21.40 Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
22.20 «Театр учрашувлари».
23.20 — 23.45 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Омад» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Жозиба».
18.55 «Бир шингил ҳангома».
19.05 «Ишингиз бароридан келсин».
19.40 «Теле-ателье-шоу».
19.50 Видео янгиликлари.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.45 — 23.05 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.40 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Бевосита мулоқот».
20.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.50 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.50 — 23.30 «Мусиқий жилолар».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 «Тонг».
***
18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.30 Мультфильм.
18.45 «Ким аслида ким?». XX аср. Вивьен Ли.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.25 «Қадимий вулқон тизмаларида». Телевизион ҳужжатли фильм.
19.40 Футбол. Чемпионлар лигаси. 1/4 финал. «Пари Сен-Жермен» (Франция) — «Барселона» (Испания). 1-тайм. Франциядан кўрсатилади.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 Футбол. Чемпионлар лигаси. 1/4 финал. «Пари Сен-Жермен» (Франция) — «Барселона» (Испания). 2-тайм. Франциядан кўрсатилади
22.30 — 22.50 «Москва, Кремль».

ЖУМА, 17

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Ўзбекистон—-гуллар ўлкаси». Кинодастур.
9.40 Инглиз тили.
10.10 «Ёшлар билан юзма-юз».
10.50 «Ўқитувчилар, Сизлар учун».
11.10 Скрипка тароналари. Марлис Юнусхонов чалади.
11.40 «Вазият».
12.15 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
12.45 —13.20 «Адиб ижодхонасида». Одил Ёқубов.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.

Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

УРУШ ҚИЛКЎПРИКЛАРИДАН ЎТГАН ИНСОН



1942 йилнинг кузи. Уруш тобора авж олиб қишлоқ, шаҳарлардан йигитлар биринкетин жанг майдонига отланишди.

Хат ташувчи Мирабдулла қўлига бир эмас, иккита чақирув қоғозини тутқазди. Мирабдулла Абдукаримов укаси билан бир кунда ота-онаси бағридан урушга жўнади. Улар фақат ўз оиласинигина эмас, балки бутун халқини ҳимоя қилиш учун кетишаётганини яхши ҳис қилардилар.

Фарғона ва Тошкент аҳолисидан йиғилган 25-пиёда ўқчи дивизияси Сталинград остонасидаги жангга юборилди. 1942 йилнинг май-июнь ойларида бу шаҳарда душман билан жуда аёвсиз, тенгсиз олишувлар бўлганди. Ушбу жангларда ҳал қилувчи нуқталардаги ҳужум учун пиёдалар ниҳоятда зарур эди. Шу боисдан ҳам 25-пиёда ўқчи дивизиясига душманга қақшатқич зарба бериш топширилди.

— Ҳақиқатан ҳам Сталинград остоналаридаги жанглар иккала томон учун ниҳоятда даҳшатли бўлган, — деб эслайди Мирабдулла ака. — Ана шу жангда фашистларнинг 700 мингдан ортиқ солдат ва офицерлари, мингдан ортиқ танк, 2 мингдан кўпроқ минамёт, 1400 дан ортиқ самолётлари йўқ қилинди. Шу тариқа Сталинград фашистлар зулмидан озод қилина бошланди. Лекин бу ғалаба осонликча қўлга киритилмас, унинг эвазига не-не навқирон йигитлар умри ҳазон бўларди. Мен жанг қилаётган бир ўқчи взводдан атиги икки кишигина қандай қилиб, тирик қолганимизга ҳали ҳануз ҳайрон қоламан.

Сталинград жангларида омон-эсон фашистларга қарши ҳужумни давом эттирган Мирабдулла 1944 йилнинг август ойларида Смоленскда чап қўлидан яраланди. Душман ўқи унинг пешонасини ҳам ялаб ўтган эди. Узоқ вақт госпиталда даволанди. Шундан сўнг унга қайта жангга киришга рухсат беришмади. Шу тариқа баҳодир ўзбек ўғлони она юртига кўкси тўла орден ва медаллар билан қайтиб келди. Бугунги кунда 88 баҳорни қаршилаган Мирабдулла ота номини у истиқомат қилаётган пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги К. Миршаропов номли маҳалланинг кексаю ёши ҳурмат билан тилга олади. Оналар таборрук ёшида ҳам бардамликлари-ю, ширинсўзликлари, пири-бадавлатликларига ҳавас қилиб фарзандларига отахоннинг исмларини қўядилар.

Дарҳақиқат Мирабдулла ота Абдукаримов фақат уруш даҳшатларини кўрган иродали инсонгина эмас, балки Қорасув ва Қўйлиқ қишлоқлари, Тошкентнинг Янгиобод мавзеси аҳолиси орасида катта ҳурмат-эътиборли қарияларимиздан. Ғалабанинг 50 йиллиги яқинлашиб келаётган бугунги кунда отахонни қутлуғ сана билан муборакбод этиб, у кишига соғлиқ-саломатлик, бардамлик тилаймиз.

Ҳ. УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида уруш иштирокчиси Маҳаммаджон Султонқулов тез-тез ўқувчилар даврасида бўлиб, оталаримиз кўрсатган жасоратлари ҳақида ёш авлодга сўзлаб бермоқда. Суратда: М. Султонқулов ўқувчилар даврасида.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Қутлов

ОЛДИНДА ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАР

Тоҳир акани ҳар гал кўрганимда беихтиёр университетни янги тамомлаб «Тошкент ҳақиқати» газетасига ишга келган кезларим ёдимга тушади. Ўшанда у саноат, қурилиш ва транспорт бўлимининг етакчи ходими, кўзга кўриниб қолган журналист эди. Мени ҳам шу бўлимга қўйишди.

Олдинига чўчидим. Шу пайтгача бирор цехга кирмаган, саноат мавзусида ёзмаган бўлсам, қийналиб қолмасмиканман...

— Сиз чўчиманг. Оддийликдан мураккабликка томон қўрқмай бораверишг керак, — деди Тоҳир ака кулиб. — Ўқув практикаси пайтида бошқа бўлимларда ўзингизни синадингиз. Энди бизнинг бўлимда ҳам ишлаб кўринг. Ўзингизга фойда бўлади. Журналист ҳар томонлама билимдон, ҳамма соҳани биладиган одам бўлиши керак. Бу ерда кўп нарсани ўрганасиз.

Тоҳир ака шу куни ишчилар ҳаёти ҳақида меҳр билан гапирди. Гаплари самимий ва таъсирли бўлгани учунми, мени ром этди, ўртадаги ҳадик ўз-ўзидан кўтарилгандек бўлди.

Кўп ўтмай янги бунёд этилаётган Чорвоқ ГЭСи, Тошкент ГРЭСи қурилишларининг боришини бирга ёритишга, ишчи сулолалари ҳақида саҳифалар, саноатчиларнинг қувонч ва ташвишларидан ҳикоя қилувчи мақолалар тайёрлашга киришдик. Саноат мавзусида мунтазам материаллар бериб бориш мақсадида йирик корхоналарда ишчи мухбирлар постларини ташкил этдик. Пост аъзоларининг бир қисми кейинчалик журналистикага меҳр қўйиб сафимизга қўшилишди.

Яхши таклифлар доимо Тоҳир акадан чиқар эди. Бир куни қандайдир йирик сана олдидан Тошкент ва Фарғона вилоятлари кимёгарлари ҳаёти ва ҳамкорлигига бағишлаб, «Коммуна» (ҳозирги «Олтин водий») газетаси билан ҳамкорликда қўшма сон тайёрлашни таклиф этиб қолди. Бу гап муҳарриримизга ҳам маъқул тушиб, бизни Фарғона шаҳрига хизмат сафарига юборди. Вилоят газетасидаги ҳамкасблар билан йирик кимё корхоналарида бўлдик, зарур материалларни тайёрлаб қайтдик. Фарғоналик журналистлар билан ҳамкорликда тайёрланган қўшма сон кўпчиликнинг эътиборини тортди ва бу тажрибани кейинчалик бошқа газеталар ҳам қўллай бошлади.

Тоҳир аканинг ижоди зилзиладан зарар кўрган Тошкент шаҳрини тиклаш даврида яна ҳам қулф урди. У пайтда бизнинг бўлимда эндигина адабиёт оламига кириб келаётган, кейинчалик машҳур ёзувчи бўлиб танилган Ўткир Ҳошимов ҳам ишлар эди. Унинг ишчилар тўғрисидаги энг яхши очерк ва лавҳалари шу даврда ёзилганди.

Эсимда, Тоҳир ака ўшанда қурилишнинг боришини мунтазам ёритиб бориш учун бир гуруҳ тезкор журналистлардан иборат штаб тузишни таклиф этди ва ўзи бу ишга бошчилик қилди. Шундан кейин репортажлар, лавҳалар, очерклар, турли тақдирлар ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар «Тошкент ҳақиқати» газетаси саҳифаларидан тушмай қолди. Тошкент қурилишини малакали ва қизиқарли ёритиш бўйича ўтказилган кўрик-танловларда газета бир неча бор совриндор бўлганлиги ҳали ҳам ёдимда.

Тоҳир аканинг салкам йигирма йиллик фаолияти «Тошкент ҳақиқати» газетаси билан боғланди. Бу даргоҳга у Тошкент давлат университетини тамомлаб келган эди. Шу ерда чиниқди, йирик бўлимларни бошқарди, қаламкашлар орасида ҳурмат-эътибор қозонди. Кейинчалик «Қишлоқ ҳақиқати» газетасини ташкил этишда фаол иштирок этиб, кўп йиллар шу газетанинг масъул котиби, муҳаррир муовини лавозимларида ишлади. «Халқ сўзи» газетаси очилгач унинг оёққа туришига кўмаклашди, маълум вақт масъул котиб бўлиб ишлади. «Савдогар» газетасини шакллантиришга ҳам ҳисса қўшди. Ҳозир шу газета муҳаррирининг муовини сифатида жамоага бошчилик қилаяпти.

Тоҳир ака олам янгиланаётган шу гўзал тонгда олтмишинчи баҳорни қаршилаяпти. Бугун унинг хонадони ҳамкасблари, ёр-биродарлари билан тўлади. Ҳамма журналистлар Тоҳир аканинг оиласини ўзларига ғоят яқин тутадилар. Чунки, бу оила журналистлар оиласидир. Рафиқалари Муяссархон Саидхонова Ўзбекистон радиосининг халқаро шарҳловчиси, ўғиллари Хондамир ҳам журналистлар оламида яхши таниш. Улар ишлаб топган нон ниҳоятда азиз ва тотли.

Тоҳир аканинг миллий матбуотимизни ривожлантиришдаги хизматлари муносиб баҳоланган. У республикада биринчилар қатори «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвонига сазовор бўлган, қатор нишонлар билан тақдирланган, ижодий уюшмамиз совринларини олган.

Ҳозиржавоб журналист, моҳир таржимон Тоҳир ака Мирходиев бугун ҳаёт чўққисидан ўзи босиб ўтган йўлга мамнун боқиб турибди. Олдинда яна янги чўққилар. Уларни ҳам бағри бутлик ва бардамлик билан забт қилиш Сизга насиб этсин.

Жасур НОСИРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

БИР ШИНҒИЛДАН

* Дунё адабиётининг энг буюк намояндалари бўлмиш Ҳомер ва Суқрот умрларида бир сатр ҳам нарса ёзмаганлар. Улар ўз асарларини ёдларида сақлаб юрганлар. Бунинг сабаби шуки, Ҳомер ҳам, Суқрот ҳам бизнинг кўпчилик бахшиларимизга ўхшаб на ўқишни, на ёзишни билишган.

* Дунёда энг кичкина туғилган гўдак ирландиялик Тереза ҳисобланади. Муддатидан 14 ҳафта илгари дунёга келиб, ҳаёти зўрға сақлаб қолинган бу қизча онадан туғилганида 625 грамм бўлган, холос.

* 1897 йилда Канадада бўйи 76 сантиметр, оғирлиги 10 килограмму 700 грамм бўлган чақалоқ туғилди. Бу — дунёда энг катта туғилган гўдак саналади. Унинг онаси Анни Бантеснинг бўйи ҳам чакки эмас, 2 метр 24 сантиметр экан.

* Соғлом киши бир кунда тахминан 20 минг, бир йилда 7 миллион, 70 ёшга киргунча эса 500 миллионгача қадам босаркан. Бунинг маъноси шуки, кишининг бутун умри давомида босадиган йўли Ер шарини экватор бўйлаб тўққиз марта айланиб чиқиш билан баробар ёки Ердан Ойгача бўлган масофага тенгдир.

* Бир қарашда ойнадек сип-силлиқ кўринадиган бильярд соққалари аслида Ер шаридан ҳам ғадир-будуррокдир. Агар бильярд соққасини Ер шаричалик катталаштириш имкони бўлганда эди, буни яққол кўриш мумкин бўлар эди.

А. АЛИЕВ тўплаган.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

ЭКВАДОР БИЛАН ПЕРУ ЧИНДАН ЯРАШДИМИ?

Шу йил бошларида Эквадор билан Перу ўртасида уруш бошланиб кетди. Нафақат дунё аҳолиси, ҳатто, қўшни Аргентина, Уругвай халқи ҳам қонли тўқнашувларнинг асл сабабларини билолмай ҳайрон бўлдилар. Кейинчалик маълум бўлдики, икки мамлакат чегарасидаги Анд тоғларининг қуш учса қаноти куядиган, одам юрса оёғи жизғанак бўладиган чангалзорларини талашган эканлар! Бу чангалзорлар шу пайтгача ҳар икки мамлакатга сариқ чақалик фойда келтирмасди. Лекин, геологик қидирувлар натижасида маълум бўлибдики, чангалзорлар остидаги тоғлар бағрида қандайдир қаъвилма бойликлар бор эмиш. Хўш, нима бор экан? Албатта, нефт (қорамой) бўлса эҳтимол, дейишибди геологлар бошларини қашиб. Ваҳоланки, остида улкан қазилма бойлик бўлса, ундай тоғда чангалзор тугул, ҳатто, нинабаргли дарахт ҳам барқ уриб ўсмайди. Чунки, оқил табиат ернинг остида бир нарса ато этса, ернинг устида ҳеч нарса бермайди. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Бу ҳақиқат минг марта исботланган... Шунга қарамай, геологларнинг «кашфиёти»дан талвасага тушиб қолган давлат «арбоблари» зудлик билан Анд тоғларидаги чегара чизиқларига аниқлик киритишни бошлаб юбордилар: Перу томондан ҳам, Эквадор томондан ҳам жанговар қўшинлар чангалзорларга келтириб қўйилди. Сўнг, худди ёш болалардек: «Ким ана шу чизиқдан ўтса, ўша хўроз бўлади!» дейишини кутиб турдилар. Билмадик, қайси ҳаҳоматалаб шундай деди экан, аммо бирдан ростакамига жанговар ҳаракатлар бошланиб кетди. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозир ҳар икки тарафдан ҳаммаси бўлиб 300 киши ўлдирилган.

17 февраль куни икки мамлакатнинг президентлари Бразилияда учрашиб, Аргентина, Чили, Бразилия, АҚШ давлатларининг кузатувчилари гувоҳлигида отишмаларни тўхтатиш, уруш бўлаётган ҳудудга холис кузатувчиларни киритиш тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. Бироқ, орадан кўп ўтмасдан ўртада яна жанговар ҳаракатлар бошланди. Кейин март ойининг бошида уруш ҳолатидаги икки мамлакатнинг Ташқи ишлар вазирлари Аргентинанинг пойтахтида иккинчи марта яраш битимига имзо чекдилар. Ҳозирча уруш ҳаракатлари тўхтатилди. Эквадор билан Перу ўртасидаги қонли тўқнашув «Лотин Америкаси тарихидаги энг бемаъни уруш» деб баҳоланаётир. Ҳар қандай уруш бемаъни бўлади. Лекин, бемаъниликнинг ҳам беъманиси бўлар экан.

УМРБОД СЕНАТОР БЎЛГАН АРБОБ ҚАМАЛАДИМИ?

ҚАЙТА қуриш даврида Марказий телевидение ўзанида намойиш қилинган «СПРУТ» киносининг охирги қисмида комиссар Катани фожиали ҳалок бўлади. Негаки, у ниҳоятда жипслашган, уюшган жиноятчиларга қарши курашишга ожиз бўлиб қолади. Яъни, МАФИЯ фидокор қонун посбонидан ҳам устун келади... Ўшанда томошабинлар «Катани ўлмаслиги керак эди» деб афсусланганлар. Одатда, бизнинг тасаввуримизда эзгулик охир оқибат ғалаба қилиши лозим. Аслидачи?

Кўпчиликка маълумки, мафия тўғрисидаги ур-йиқит киноларда асосан Италияда (асосан, Сицилия оролида) бўлиб ўтади. Қизиғи шундаки, киночилар атайлаб томоша бошланишидан аввал экранга: «Бу воқеалар ҳеч қачон бўлмаган. Мабодо қайсидир бир воқеалар ёки киноқаҳрамонларининг исми шарифи ҳаёт ҳақиқатига мос келиб қолса, узр сўраймиз!» деб таъкидлайдилар. Гўл томошабинлар ўша ёзувга чиндан ишониши мумкин. Очиғини айтсак, биз ҳам ишонардик. Лекин, яқинда Италияда бошланган жуда катта сиёсий муҳорабадан сўнг кўнглимизда шубҳа пайдо бўлди.

Италия қонунига кўра, мамлакатнинг Бош вазири ишдан бўшагандан сўнг бир умр сенатор бўлиб қолади ва унинг ҳаётига биров даҳл қилмайди. Афсуски, мамлакат тарихида биринчи марта етти бора Вазирлар маҳкамасининг раиси бўлган ва етти марта «Умрбод сенатор» мақомига эришган Жулио АНДРЕОТТИ 1995 йилнинг 26 сентябри куни Палермо шаҳрида суд олдида жавоб беради. Ўша куни рамзий маънода иккинчи жаҳон урушидан кейинги Италия тарихи устидан суд бошланади дейиш мумкин. Негаки, агар суд етти марта мамлакат Бош вазири бўлган арбобнинг мафия билан зимдан тил бириктирганини исботласа борми, Италиянинг кейинги 50 йиллик тарихи ҳам худди собиқ СССРнинг ўтмиши каби остин-устин бўлиб кетади. Тергов ишлари икки йил давом этди. Бу ҳол жамоатчилик ўртасида ҳар хил гап-сўзларни урчитиб юборди. Битта машҳур киночи Ж. Андреотти воқеасини: «Мисли кўрилмаган фожиали томоша!» деб баҳолади. «Айбланувчи» эса: «Адолатсиз жараён бошланишини эшитиб, бағоят афсусландим», деди.

Хуллас, жўжани кузда санаш кераклигини Италия суди ҳам билади, шекилли.

(Жаҳон матбуоти материаллари асосида тайёрланди).

Футбол

ДАЪВОГАРЛАР ТЎРТТА ҚОЛДИ

«Пахтакор-79» хотира турнири учун ўтказилаётган мусобақалар якунловчи босқичга кирди. Тўрт минтақага бўлинган 40 дан зиёд футбол жамоалари анъанавий турнир саралаш ўйинларида қатнашдилар. Бу сафарги мусобақаларда Алматининг «Қайрат», Жамбулнинг «Тараз», Чимкентнинг ФИСК, Самаранинг «Крилья Советов» ҳамда Красноярскнинг «Виктория» клублари ҳам қатнашдилар.

Кескин беллашувлардан сўнг минтақалардаги гуруҳ ғолиблари ўзаро учрашдилар. Биринчи минтақада ўз сафини кучли ўйинчилар билан тўлдирган Наманганнинг «Навбаҳор» командаси республиканинг уч карра чемпиони, Фарғонанинг «Нефтчи» клубини кескин курашда 2:1 ҳисобида мағлуб этди. «Нурафшон» Самарқанд динамочиларини 2:0 ҳисобида енгди. «Суғдиёна» эса Тошкентнинг «Трактор» дарвозасига 5 та жавобсиз тўп киритди. Тўртинчи минтақада олий лига вакиллари «Политотдел» ва «Чирчиқ» ғолибликни Қибрайнинг «Маданият» ва Янгийўлнинг «Мебелчи» жамоаларига бериб қўйдилар. Вилоятимизнинг бу икки командаси ўртасидаги учрашувда «Мебелчи» 2:1 ҳисобида ғолиб келди. Фахрли соврин учун тўрт жамоа ярим финал ўйинларини 2 августда ўтказишади. Рақиблар ва ўйинлар қайси майдонда ўтказилиши қуръа ташлаш йўли билан аниқланади.

Хотира турнири ўтказилиши ҳақида айрим мулоҳазаларимиз бор. Бизнингча кўр-кўрона унда қатнашчилар сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқ эмас. Командалар ўртасидаги тафовут шунчалик каттаки, буни ўйин натижалари ҳам кўрсатиб турибди. 5:0, 6:0, 7:0 хатто 9:0 ҳисоблари қайд этилиши бир жамоанинг кучсиз, иккинчисининг эса тўла устунлигини кўрсатади. Бизнингча, қатнашчилар сонини 10, нари борса 12 тада қолдириш, халқаро обрўйини ошириш мақсадида чет эллардан жамоаларни таклиф этиш керак. Ана шунда «Пахтакор» хотира турнири мавқеи ошган ва мухлислар сони яна ортган бўлади.

***

Ўзбекистон миллий терма командаси Японияга, Ўзбекистон Олимпиа терма жамоаси Ҳиндистонга халқаро турнирларда иштирок этиш учун жўнаб кетдилар.

ҲАЗРАТИ АЁЛ УЛУҒЛАНДИ

Ўлкамизда кезаётган фасллар келинчаги навбаҳор бор гўзаллигини кўз-кўз қилиб, дилларга сурур, оламолам шодлик улашмоқда. Ана шундай кунларда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида хотин-қизлар куни — 8 март шодиёналари кенг нишонланди. Жумладан, Паркент туманида ҳам ушбу айём ўзгача бир руҳ, ўзгача шукуҳда ўтди.

Ушбу туманда ҳар йили баҳор байрамига алоҳида тараддуд кўриш одат тусига кириб қолган. Анъанага кўра ўн ва ундан ортиқ фарзандларни тарбиялаб вояга етказган, эл-юрт хизматига тайёрлаган табаррук онахонлар, давр билан бирга қадам ташлаётган ишбилармон аёллар, меҳнатда ва жамоат ишларида фаол дилбар опа-сингиллар Паркент шаҳридаги муҳташам маданият саройига таклиф этилдилар. Тўкин дастурхон атрофидан жой олган меҳмонларни туман ҳокими Туроп Холтоев яшнаш ва яшариш, нафосат ва гўзаллик байрами билан қутлаб, умримиз безаги, ҳаётимиз ўзаги бўлган аёлларга эзгу тилаклар билдирди. Юртимиз равнақида уларнинг ўрни катта эканлигини таъкидлади.

Паркентликларни айём билан муборакбод этиш учун Тошкентдан ташриф буюрган меҳмонлар — Ўзбекистон Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси раиси шоира Ойдин Хожиева, Ғафур Ғулом ўй-музейи директори, шоирнинг қизи Олмосхон дил сўзларини изҳор этдилар. Хушовоз хонанда Хурриятхон Исроилова ўзининг дилрабо қўшиқларини байрам қатнашчиларига армуғон этди. Шунингдек «Паркент гуллари» бадиий дастаси қатнашчилари баҳор, аёл, гўзаллик ҳақидаги энг сара куй-қўшиқларини ижро этиб кечага файз киритдилар.

Тадбир ниҳоясида бир гуруҳ аёлларга туман ҳокимлиги томонидан тайёрланган байрам совғалари топширилди.

Д. АҲМЕДОВ.

Суратларда: бўлиб ўтган байрам тадбиридан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

ҲАР ТЎҒРИДА

460 МИЛЛИОН ЙИЛ ОЛДИН ЯШАГАН

• ЯҚИНДА Боливияда жағсиз антиқа бир балиқнинг қолдиғи топилди. Бу мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. У жуда қадимги балиққа мансуб эди. Олимларнинг фикрига кўра, бундай балиқлар бундан 460 миллион йил илгари ўтган экан. Бу шу вақтгача маълум бўлган энг қадимги умуртқали учта жониворнинг бири ҳисобланади.

ТЮЛЕННИНГ СЕЗГИ ОРГАНИ

• ФИНЛЯНДИЯЛИК олимларнинг аниқлашларича тюленнинг энг зарур сезги органи унинг мўйлаблари экан. Унинг ҳар бир тукига бир минг бир юзтагача асаб охири туташар экан. Тюлень мўйлаблари билан сув ва ҳавонинг тебранишини ҳатто, овозларни қабул қилиб олади, сувнинг босимини ўлчай олади, нарсаларнинг ҳажмини ва уларгача бўлган масофани аниқлайди.

Миробод туманига қарашли «АРТ-ТЮРК» фирмаси **ТУГАТИЛАДИ** Даъволар бир ой давомида қабул қилинади.

Тошкент вилояти автомобиль йўллари бирлашмаси жамоаси «Тошкент ободончилиги» йўл бирлашмасининг масъул ходими

Акбар Икромович ТЎЛАГАНОВнинг

вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти ичимлик суви ишлаб чиқариш ва таъминлаш трести жамоаси трест бошқарувчиси муовини А. А. Анваровга падари бузруквори

Аброрали АНВАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0101. 19315 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.30 1 2 3 4 5 6